



# O'ZBEKISTON O'VOZI

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 5 май куни Оқсаройда Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Таро Асони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон уни нафақат нуфузли сиёсат ва давлат арбоби, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва стратегик шериклик ўрнатилган катта ҳисса қўшган ишончли дўст деб билишини таъкидлади. Президентимиз Таро Асони ушбу ташриф давомида унга Ўзбекистон Банк-молия академиясининг Фахрий доктори унвони берилгани билан табриклади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил февраль ойидаги Японияга расмий ташрифи Ўзбекистон-Япония муносабатларига янги суръат бағишлади, сиёсий мулоқотни фаоллаштириб, стратегик ҳамкорликни янги мазмун билан бойитди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. 2013 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 215,2 миллион АҚШ долларидан ошган. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молия воситаларининг умумий ҳажми 2,32 миллиард долларни ташкил этади. Япониялик ҳамкорлар «Кўкдў-

малок» қондида компрессор станциясини ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизациялаш каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

Бугунги кунда Қарши — Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навоийдаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда энергетика, кон санаоти, нефть-газ, кимё, электротехника, автомобилсозлик ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Таро Асо самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Япония ҳукумати Ўзбекистон билан кенг кўламли иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга таяёр эканини таъкидлади.

ЎЗА



## Партиянинг дастурий мақсадлари

самарали амалга ошиши кўп жиҳатдан тарғибот ишларининг таъсир кучига боғлиқ

Семинарга бирин-кетин иштирокчилар кириб келмоқда. Улар орасида ЎзХДП Марказий Кенгаши вакиллари ва экспертлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, минтақавий партия кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудирлари, халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари аъзолари бор.

⇒ 2

## Малайзия делегацияси Ўзбекистонда

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Мухиддин бин Хожи Муҳаммад Яссин 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида кўпга соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида турли соҳаларни, жумладан, савдо-сармоя, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти қатнови, илм-фан, маданият, сайёҳлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш каби йўналишларни қамраб олувчи йигирмадан зиёд ҳужжатдан иборат бўлган мустақам шартномавий-ҳуқуқий асос мавжуд.

Ўзбекистонда Малайзия сармояси иштирокида иқтисодиётнинг нефть-газ, тўқимачилик санаоти, мебелсозлик, электр техникаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш, молиявий хизматлар кўрсатиш ва бошқа жабҳаларни қамраб олган кўпга қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

— Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кунда иқтисодий, таълим ва сайёҳлик каби соҳаларда жадал равнақ топмоқда, — деди Мухиддин бин Хожи Муҳаммад Яссин. — Сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз улкан салоҳиятга эга. Малайзияда Ўзбекистонни, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларни зиёрат қилишни, мамлакатининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини яқиндан ўрганишни истовчилар жуда кўп.

Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Мухиддин бин Хожи Муҳаммад Яссин Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов билан учрашди. Музокарада мамлакатларимиз ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз юритилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, талабалар алмашувининг кенг йўлга қўйилгани бунга ёрқин мисол экани таъкидланди. Бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки мамлакатнинг таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, ўзаро таълим алмашувини янада фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Мухиддин бин Хожи Муҳаммад Яссин Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар билан ҳам учрашди. Мазкур университетда йигирмага яқин хоржий тил, жумладан, малай тили бўйича сабоқ берилди. Олий ўқув юртида фаолият юритаётган Малай тили маркази талабаларининг ушбу тилни чуқур ўзлаштиришида кўмаклашиш баробарида университет билан ҳамкорликда қатор маданий тадбирлар, анжуман ва семинарлар ўтказиб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Малайзиянинг қатор таълим муассасалари, жумладан, Перлис ва Султон Идрис университетлари ва Алианс тиббиёт коллежи билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Учрашув якунида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан Малайзиянинг Бинари университети ўртасида ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди.

Ироҳа УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

## ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

### Муаммога ечим топилапти

фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ошяпти

ЎзХДП Бувайда туман кенгаши электротат вакиллари билан алоқани мустақамлаш, ҳудудий муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларида Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланмоқда.

Бу каби тадбирлар олис ҳудудлардаги фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, мамлакатимизда кечяётган ўзгаришлар, қонунчиликнинг ривожланиши ҳақида хабардор қилиш, ҳуқуқий билимларини мустақамлашга хизмат қилади.

Айниқса, чекка қишлоқларда ташкил этилаётган кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар муаммоларини аниқлаш, муайян ҳудуддаги ижтимоий масалаларни ўрганиш ҳамда хал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундай тадбирлар ойда икки марта туманнинг турли ҳудудларида, айнан марказдан олис бўлган маҳалла-

ларда ўтказилмоқда. Тахлиллар аҳолининг Жамоатчилик қабулхонасига ишончи ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Мурожатларнинг мазмунидан келиб чиқиб, ҳуқуқий масалаҳат берилапти, йўл-йўриқ кўрсатилмоқда, айрим масалалар эса депутатлик сўровлари орқали ижобий ҳал этилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларда кўтарилган масалаларга ижобий ечим топиши, электротат ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун фидойилик кўрсатиши зарур.

## ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

### Соғлом бола тарбиясида

патронаж ҳамшираларнинг ўрни

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан Зангиота туман кенгашида «Соғлом бола соғлом оилада камол топади» лойиҳаси доирасида ҳудуддаги патронаж ҳамширалар ўртасида кўрик-танлов ташкил этилди.

Танлов якунига кўра, «Алоқа» маҳалла ҳамшираси Нозима Фозилжонова, «Мевазор» маҳалла ҳамшираси Холида Кўчқорова, «Найман» маҳалла ҳамшираси Барно Бухарбаева-ларнинг билимлари юқори баҳоланди.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати.

Тадбирда Назарбек қишлоқ врачлик пункти бош шифокори, халқ депутатлари Зангиота туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Маъсуда Ворисова партия фаоллари, туман хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу тадбир «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, патронаж ҳамширалар тиббиёт муассасалари ва оилалар ўртасидаги муҳим бўлинма ҳисобланади. Уларнинг билими, таърибаси ва ҳозиржавоблиги касаликларни эрта аниқлаш, ҳомиладор аёллар ва болаларга зарур тиббий маслаҳат бериш, соғлом оилани шакллантиришда алоҳида ўрин тутди. Танлов иштирокчилари оила, маҳалла ва патронаж ҳамширалар ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш, болалар соғлом вояга етишида оқватланиш маданиятининг ўрни, уларни спортга жалб қилишнинг аҳамияти ма-

салаларида ўз билим ва кўникмаларини намойиш этишди.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Электрон тижорат соҳасини ривожлантиришда

унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга



www.uzbekistonovozi.uz

## ЎзХДП ҲАЁТИ

ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди.

Пленумда партия ташкилотининг навбатдаги долзарб вазифалари кўриб чиқилди. Туман партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи фаолиятининг жорий йилдаги аниқ йўналишлари белгилаб олинди ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Пленум якунида

## Ҳаракат дастурига қўшимчалар киритилди

партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмасининг вазифалари аниқ белгилаб олинди

бир гуруҳ ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди. — Пленумда партия гуруҳимизнинг ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, электротат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини таҳлил этдик ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, Ҳаракат дастурига қўшимчалар киритдик, — дейди 13-мактаб директори, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Манзура Оспанова. — 2013 йилда биз кўпга ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўргандик. Ту-

ман аҳолисини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш сифатини янада яхшилаш, иш ўринларини ташкил этиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган 15 дан ортик депутатлик сўрови тегишли мутасадди раҳбарларга юборилди. Аммо бугунги кун олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Пленумда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ишларимизни янада жонлантиришимиз керак бўлади. — Депутатлар томонидан кўпга амалий ишлар қилинмоқда, бироқ олдимизда ҳали катта вазифалар

турибди, — дейди туман кўп тармоқли поликлиника шифокори, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Мухиддин Норматов. — Мамлакатимиздаги демократик жараёнлар тез суръатлар билан чуқурлашиб бораётгани фаолиятимизга танқидий ёндашиб, амалий ишларни кўпайтиришни талаб этмоқда. Шу боис Соғлом бола йилида, айниқса, депутатларимиз ўз сайловчилари ва электротатимиз манфаати билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратиши лозим, деб ўйлайман. Латифжон МАНСУРОВ

## «Истиқбол»

ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонидида ўқишингиз мумкин.



# Партиянинг дастурий мақсадлари

## самарали амалга ошиши кўп жиҳатдан тарғибот ишларининг таъсир кучига боғлиқ

Семинарда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ЎзХДП иштирокини янада кучайтириш масалалари бўйича тажриба алмашиш кўзда тутилган эди. Унда асосий эътибор партия дастурий мақсадларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирларига қаратилди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов** ўз сўзида тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчан бўлсагина самара бериши ҳақида тўхталар экан, бунда сиёсий технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлади. Хусусан, у ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар моҳиятини очиб беришда ҳаётини мисолларга таяниб, иштирокчиларда тадбир таъсирчанлигини ошишини уқтирди.

Айниқса, ЎзХДП илгари сураётган ғояларнинг афзалликларини тушунтиришда аниқ таҳлил ва жонли мулоқотлар керак бўлади.

Тиямиз ўзининг аниқ позициясига эга. Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали биз ана шу позицияни тарғиб қилишимиз керак. Айтилик, электорат вакиллари билан учрашув режалаштирилди. Хўш, унда қайси мавзуга кўпроқ эътибор бериш керак? Албатта, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалага. Мазкур йўналишда олиб борилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар, уларнинг ижроси, партияимизнинг бу жараёнда иштироки ҳақида кенг тушунча бериш, бу электоратимизни қизиқтирмасдан қолмайди, албатта.

— Тўғри таъкидладингиз, — дея унинг фикрларини қўллаб-қувватлади **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Партияимиз мафқурасини одамлар орасида тушунтириш учун тадбирларимизни замонавий усулларда олиб боришимиз, оммавий ахборот воситаларидаги сиёсий чиқишларнинг таъсирчанлигини оширишимиз керак. Бунинг учун мафқуравий ишларни янада жонлантириш, жамоатчилик билан алоқаларимизни мустаҳкамлаш зарур. Олдиндан пухта тайёргарлик кўрилсагина, ҳар бир тадбир партияимиз электоратининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишда таъсирчан восита бўла олади.

Масалан, тадбирларда партияимиз Сайловолди дастури қай даражада амалга оширилаётгани, депутатларимиз ва партия ташкилотларининг фаолияти ҳақида кўпроқ кўргазмалли воситалар тақдим этишни йўлга қўйиш лозим. Бу жамоатчилик партияимиз фаолияти, сайловолди ваъдаларини амалга ошириш борасидаги ташаббуслари ҳақида кенгроқ маълумот олиши учун хизмат қилади. Жамиятда партия қандай амалий ишлар билан шуғулланаётгани, эришаётган натижалари ҳақида янада кенгроқ тасаввур пайдо бўлади.

Семинар очик мулоқот тарзида, интерфаол усулда ташкил этилди. Қатнашчилар кун тартибидagi мавзулар бўйича эркин фикр юритишди. Семинар қатнашчилари икки гуруҳга бўлиниб, партиянинг мафқуравий фаолиятини ривожлантириш ва ОАВ билан ишлашни самарали ташкил этиш юзасидан ишлаб чиққан таклифлар тақдимотини ўтказишди.

### СИЁСИЙ-ЎҚУВЛАРДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛИНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

— Партия ташкилотларининг мафқуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида семинар ва машғулотларда замонавий услуб, воситалардан фойдаланиш жуда муҳим, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Насиба Тургунова**. — Масалан, мулоқот, баҳс-мунозара, тренинг, очик давра суҳбати ва бошқа ноанъанавий усуллар машғулотларнинг қизиқарли ҳақида жонли ўтишига, тингловчиларнинг мавзу муҳокамасида фаол қатнашишига, фикрлар хилма-хиллигига хизмат қилади. Машғулотлар юқори савияда ва қизиқарли ўтиши учун айрим қондаларга риоя қилиш лозим бўлади. Масалан, иштирокчиларни гуруҳларга бirlаштириб, мавзу муҳокамаси ва таклифларга кенг ўрин бериш зарур. Бунда ҳар бир қатнашчи ўз жамоасининг ютуғи учун қатъий киришади ва ягона нуқтаи назарни шакллантиришда фаол иштирок этишга интилади, тақдимот жараёнида ўзи ва ўз гуруҳи ишини жиддий таҳлил этишга, зарур ҳулосалар чиқаришига ҳаракат қилади.

Партия Марказий Кенгаши масъул ходимининг бу фикрларини кўпчилик қўллаб-қувватлади. **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Мехроҳ Дархонов** ҳам бу борада ўз мулоҳазаларини баён этди:

— Шунингдек, машғулотларни аудиториянинг ўзига хос хусусияти, тингловчининг касб-кори ва билими, қизиқиниши ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Тадбир бошланганда олдин ҳар бир иштирокчига мавзу юзасидан услубий қўланмалар тарқатилса, улар муҳокама марказига қўйилган мавзу юзаси-

дан кўпроқ маълумотга эга бўлади ва ўз фикрини дадил айта олади.

### ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШ БОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

— Аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами ҳуқуқий билимини ошириш, тарғибот воситасида уларнинг сиёсий куч атрофида бирлаштириш ва шу орқали ижтимоий-сиёсий ислохотлар иштирокчисига айлантириш олдимиздаги асосий вазифалардан бири, — деди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Туропов**. — Хўш, партия дастурий мақсадларининг ҳаётга татбиқ этилиши самарали бўлиши учун нималарга кўпроқ аҳамият беришимиз зарур?

Аввало, партиянинг ҳар бир аъзоси, электорат билан икки томонлама мулоқот ўрнатилиши керак. Бунинг учун партия Марказий Кенгаши ҳақида вилоят кенгашилариди муҳокама қилинган масалаларни қўйи бўғинларда ҳам тўлиқ кўриб чиқишга эришиш зарур. Уларда тарғиботчилар ҳамда экспертлар гуруҳи, депутатлар ва сиёсатшунослар иштирокида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида қилинган ишлар бўйича давра суҳбатлари ўтказиб, ҳаётини мисоллар асосида муайян масалани очик муҳокама этишни кўпроқ ташкил этиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида олиб борилган ишларда бошланғич ташкилотларни қанчалик кўп қамраб оلسак, фаолиятимиз шунча амалий тус олади.

### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАТБУОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

— Партиянинг жамоатчилик билан самарали ишлаши бевосита оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот коммуникация технологияларидан

қай даражада фойдаланишга боғлиқ, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари Елена Роман**. — Партиянинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича позицияси, партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари ишидан жамоатчиликни хабардор қилиш, очик ва ошкоралигини таъминлашда Матбуот хизматларининг аҳамияти катта.

Замон тараққиёти тезлашиб, сиёсий партияларга қўйилаётган талаблар охиб бораётгани матбуот хизмати зиммасига ҳам катта вазифаларни қўймоқда. Хусусан, ОАВ билан доимий тезкор алоқани ушлаб туриш, партиявий ҳаётнинг муҳим воқеаларини жадаллик билан ёритиш талаб этиляпти.

Бу борада матбуот хизмати қатор масалаларга эътиборни кучайтириши лозим, деб ўйлайми. Масалан, оммавий ахборот воситалари аудиториясининг ижтимоий қиёфаси, партияга муносабатини, партия томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг медиа таъсирини ўрганиш ва навбатдаги ишларни шунга қараб ривожлантириш бориш керак.

### ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОАВДА САМАРАЛИ ЁРИТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

— Бугун фуқаролар оммавий ахборот воситаларига фақат ахборот олиш манбаи сифатида эмас, балки ўз манфаатлари нуқтаи назаридан муносабат билдиришмоқда, — деди **ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири Васила Собирова**. — Умуман олганда, уларда ўз шахсий фикри ва муносабатини эркин ифода этиш истаги кучайиб борапти. Бу — демократик жамият барпо этишнинг муҳим шартидир. Шу боис, жамоатчилик фикри нуқтаи назаридан партиянинг нуфузини оширишга таъсир кўрсатиш учун аввало, тадбирларни ОАВда ёритишга пухта тайёргарлик қириш талаб этилади.

Биз ишни аввало, партия фаолиятининг турли йўналишлари-

га оид ҳамда жамоатчиликни қизиқтирадиган ахборот базасини шакллантиришдан бошлашимиз керак. Бу ОАВ учун таъсирчан матнни яратиш, жамоатчиликка етказилаётган ахборотнинг тўлиқ ва тушунарли бўлишига хизмат қилади.

Умуман олганда, семинар дастуридан ўрин олган мавзудан бўйича ҳар бир қатнашчи ўз фикри, нуқтаи назари билан фаол иштирок этишга ҳаракат қилди. Хўш, таклифларнинг аҳамиятли жиҳатлари нималардан иборат бўлди? Улар партия фаолиятини кучайтириш учун қанчалик муҳим? Тадбирдан сўнг партия фаолларининг айримлари билан шу саволлар атрофида суҳбатлашдик.

— Гуруҳларда яхши таклифлар айтилди, — дейди **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Мухиддинов**. — Дунёда ғойивий таҳдид ва ахборот хуружлари кучайиб, одамлар, айниқса, ёшлар онги ҳамда қалбини эгаллаш йўлидаги қураш тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш, уларнинг таъсирчанлигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қарасак, икки кунлик семинар қатор афзалликларга эга бўлди. Масалан, бу орқали аҳоли, хусусан, электорат вакиллари билан ишлаш тажрибасига эга бўлдик. Машғулотларда таъсирчан сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш, одамлар фикрини ўрганишнинг тезкор ва самарали усуллари бўйича муҳим тавсияларга эга бўлдик.

— Биз нафақат, жамоатчилик билан ишлаш, матбуот хизмати фаолиятини янада кучайтиришга оид малакамизни ошириш, балки бошқа вилоятлардан келган партиядошларимиз билан тажриба алмашиш, — дейди **ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири Шахноза Пармонова**. — Агар кенгроқ мушоада юриладиган бўлса, жамоатчиликка партиянинг кундалик фаолияти, дастурий устувор йўналишлари ва сайловдан аввал берган ваъдаларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни мунтазам етказиш жуда маъсулиятли вазифа. Мақсадимиз фақат партия фаолиятини аҳолини хабардор қилиш эмас, балки жамиятда партиянинг имиджини шакллантиришдир. Шунда, партия позицияси тарғиботи партияга ҳам, электоратга ҳам наф келтиради.

Дарҳақиқат, ҳар бир сиёсий партия жамиятда мустақам ўрин топиш, одамлар ишончини кўпроқ қозониш учун курашади. Бу жараёнда партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий онги, тафаккурини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтириш, партия позицияси ва мафқурасини кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, семинарда билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, келгуси фаолиятда улардан фойдаланишга келишиб олинди.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
«Ўзбекистон овози»  
маҳсул муҳбири.



— Бу борада партияимизда катта тажриба тўпланган, — деди у. — Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган ўқувлар, «Тарғиботчилар гуруҳлари» аъзолари томонидан олиб борилган очик мулоқотлар айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Тадбирлар бир-бирига ўхшаб қолмаслиги, бир-биридан факат мазмунан эмас, балки шаклан ҳам фарқ қилиши лозим. Бу иштирокчиларнинг нафақат тадбирга балки, партияга қизиқини оширади. Уйлайманки, бугунги семинар айнан шу йўналишдаги ишларимизни янада

жонлантириш, яхши тажрибаларни оммалаштириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Ҳар бир сиёсий партия қайси дастур ва қарашни илгари суришидан қатъи назар, аввало, бу қарашлар, ғоялар электорат манфаати билан боғлиқ бўлса ва ижроси изчил таъминлансагина жамиятга фойдаси тегади, — деди **халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев**. — Мамлакатимиз ҳаётдаги турли ижтимоий масалалар юзасидан пар-

тияимиз таъкидладингиз, — дея унинг фикрларини қўллаб-қувватлади **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Партияимиз мафқурасини одамлар орасида тушунтириш учун тадбирларимизни замонавий усулларда олиб боришимиз, оммавий ахборот воситаларидаги сиёсий чиқишларнинг таъсирчанлигини оширишимиз керак. Бунинг учун мафқуравий ишларни янада жонлантириш, жамоатчилик билан алоқаларимизни мустаҳкамлаш зарур. Олдиндан пухта тайёргарлик кўрилсагина, ҳар бир тадбир партияимиз электоратининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишда таъсирчан восита бўла олади.

# Партия гуруҳлари томонидан 40 дан ортиқ масала ўрганилди

## энг долзарблари сессиялар муҳокамасига киритилди

### ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

2014 йилнинг дастлабки чорагида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлик бирлашмалари томонидан 41 масала таҳлилий ўрганилган. Шундан 9 таси тегишли доимий комиссиялар мажлисларида, 4 таси эса сессияларда муҳокама этилган. Бу борада Андижон, Жиззах, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятлари халқ депутатлари Кенгашиларидаги ЎзХДП гуруҳлари фаоллик кўрсатмоқда.

Партия гуруҳлари томонидан ўрганилаётган ҳар бир масала худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли вакиллари манфаатини ҳимоя қилиш, иш ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

2014 йил 12 январь куни халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи йиғилишида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мактабгача таълим муассасаларидаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шундан сўнг мазкур масала 25 март куни халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига кири-

тилди. Партия гуруҳи томонидан тақдим этилган ўрганиш натижалари таҳлил этилди, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилди, мутасадди раҳбарлар масъулиятини янада ошириш бўйича сессиянинг тегишли қарори қабул қилинди. Айни кунларда мазкур қарор ижроси партия гуруҳи томонидан назоратга олинган.

2014 йил 10 январь куни халқ депутатлари Арнасой туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи йиғилишида 2013 йилда иш ўрин-

лари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тумандаги ижроси борада тегишли корхона ва ташкилотлар масъулиятини ошириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. 30 январда эса мазкур масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди.

Халқ депутатлари Беруний туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи йиғилишида 2013 йилда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари томонидан фермер хўжалиқлари фаолиятини ўрганиш бўйича амал-

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, партия гуруҳлари томонидан ўрганилаётган ҳар бир масала, аввало, электорат манфаатларини таъминлаш, жойларда учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ижро ҳоқимияти масъулиятини оширишга қаратилган.

га оширилган ишлар ва 2014 йилда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш юзасидан навбатдаги вазифалар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Партия гуруҳининг ушбуга доир ўрганишлари, мониторинг натижалари муҳокама этилди. Мазкур масала кейинчалик Аграр, сув ҳўжалиги масалалари бўйича доимий комиссия йиғилишида, 4 март куни эса халқ депутатлари Беруний туман Кенгашининг сессияси кун тартибига киритилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, партия гуруҳлари томонидан ўрганилаётган ҳар бир масала, аввало, электорат манфаатларини таъминлаш, жойларда учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ижро ҳоқимияти масъулиятини оширишга қаратилган.

Демак, доимий комиссия ва сессияларга киритилаётган масалалар партия гуруҳи томонидан чуқур ўрганилиши, муаммо ечими юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилиши, энг муҳими, қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланishi нини изчил назоратга олишимиз зарур.

**Улугбек ТОШПҮЛАТОВ,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири.

### ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

# Муаммога ечим топиляпти

## фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ошяпти

Ана шундай кўчма Жамоатчилик қабулхонаси яқинда Алқор қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилди. Депутатлар, партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар иштирок этган тадбирда фуқаролар кўпгина масалаларни ўртага қўйишди. Масалан, Василахон Рустамова қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, коммунал хизматлар кўрсатишидаги камчиликларни бартараф этиш, Маърифатхон Азимова касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда қандай имтиёзлар борлиги, меҳнат факрийси Баҳодир Туропов эса аҳолини иш билан таъминлаш масалаларида муурожаат қилишди.

Тадбирда иштирок этган қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддиларининг коммунал хизматлардаги камчиликлар юзасидан фикрларини тинглади, тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди-ган бўлди.

Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун яратилган шарт-шароит, берилаётган имтиёзлар фуқароларга кенг тушунтирилди. Хусусан, яқинда қонунчилиги-

мизга битирувчилар корхона ёки ташкилотда синов мuddатида ишга қабул қилиниши билан боғлиқ мезёр киритилгани, унинг афзалликлари шарҳланди.

Бундан ташқари, аҳолини иш билан таъминлаш, жумладан, оилавий тадбиркорликка жалб этиш бўйича мавжуд имкониятлар ҳақида фикр алмашиди. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳияти мисоллар ёрдамида очиб берилди. Айнан уй шароитида тадбиркорликнинг бу тури билан шуғулланиш афзалликлари, солиқ имтиёзлари, коммунал тўловлардаги енгилликлар чуқур тушунтирилди. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш, банкдан кредит олиш билан боғлиқ таклифлар айтилди.

Албатта, бундай тадбирлар олис худудлардаги фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлар, қонунчиликнинг ривожланиши ҳақида хабардор қилиш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Раҳима ҚҮРҒОНОВА,**  
халқ депутатлари Буйағда туман Кенгаши депутати,  
ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

# Ибрат сабоғи

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни. Бу сана нафақат жанг майдонларида ҳалок бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдаги ота ва оналаримизга ҳам иззат-эҳтиром кўрсатиш айёмидир. Шунингдек, она Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган барча фахрийларимизни эъозлаш, қадрлаш байрамидир.



Президентимизнинг шундай сўзлари бор: Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш, демакдир. Хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга ўргатади. Шу боис бугунги ёшлар оталаримизнинг юртимиз эрки ва озодлиги, миллатимиз равнақи йўлида чекан захматлари, қўрсатган жасоратларини унутмаслиги даркор.

Қадрлаш эса хонадонларимизга файз-баракат бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилайдиган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдир. Зеро, мўтабар отахон ва онахонларимизни ҳаётлигида қадрлаш барчамизнинг муқаддас

бурчимиздир... Ўтган аждодларимизни ҳамиша хотирлаб, уларнинг эзгу амалларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатмоғимиз керак. Яхши инсонларнинг кўпчилиги қалбига ёруғлик олиб киради. Бу нур кўнгилларни гўборлардан тозалайди.

Шайх Абдулазиз Мансур, Абдуқаҳҳор Фафоров, Шарофиддин Мирзахмудов каби устозлар қаторида бир неча йил Ўзбекистон мусулмонлари идорасида хизмат қилган Мирзамурод Алимов ҳам ана шундай қалби пок, олийжаноб, тўғриси ўзининг инсонлардан эди. У киши диний идоранинг ҳалқаро алоқалар бўлимига раҳбарлик қилган.

Мирзамурод Алимов 1921 йил Тошкент шаҳрида тавал-

лат ва жамоат ишларида фаолият юритган. Шунингдек, рус ёзувчиларининг бир қатор асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Булардан ташқари ўттизга яқин бадиий ва ҳужжатли фильмларни она тилимизга ўғирган.

Мирзамурод Алимов узок йиллар давомида Тошкентдаги «От-чопар» маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилган. Маҳалланинг иссиқ-совуғидан доимо бохабар бўлган. У киши қаерда, қандай лавозимда ишлаганини, доимо Ватанга, халқимизга содиқ хизмат қилиб, инсонларга меҳр-муруват кўрсатганлар.

Мен у киши билан бир неча йил бирга ишладим. Бир неча мартаба Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмонларни бирга қутиб олиб, қузатганман. Умр йўлдошлари, Тожихон хожи она билан бирга, Аллоҳ талоо берган улғу неъмат — беш ўғил ва бир қизни яхши таълим бериб, олий маълумотли қилган. Уларнинг барчаси бугунги кунда эл-юрт манфати йўлида турли соҳаларда хизмат қилмоқда. Умр бўйи юртига ҳалол меҳнат қилган, ўзидан қобил фарзандлар, муносиб шоғирдлар қолдирган инсон номи ҳеч қачон унутилмайди, хотирамизда абадий қолади. **Ҳожи Абдуразақ ЮНУСОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.**

луд топган. Ота-онадан эрта етим қилиб, акаси тарбиясида вояга етган. У 1940 йилда ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга киради. Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларида фронтга жўнаб кетади. У уруш йилларида Европанин қатор қишлоқ ва шаҳарларини немис-фашистлардан озод этишда қатнашди. Бир неча мартаба оғир яранди. Қатор орден ва медаллар билан мукофотланди. Бирок у «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 10 йили», «Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кунларига 10 йил» кўкрак нишонларини алоҳида гурур билан кўксига тақиб юради. У узок вақт давомида дав-

## БАНДЛИК

### Битирувчи қизларни

иш билан таъминлаш — долзарб вазифа

Навоий информатика ва электроника саноат касб-хунар коллежида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан «2013-2014 ўқув йилида битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 47 касб-хунар коллежиде 16 131 нафар ўғил-қиз 92 ихтисослик бўйича ўқишни битириш арасида. Уларнинг 7 мингдан зиёдини қизлар ташкил этади. Анжуманда битирувчи қизларни иш билан таъминлаш борасида ўтган йили амалга оширилган ишлар ва 2014 йилги режалар таҳлил этилди. Бу жараёнда сохта ҳисоботларга йўл қўймаслик, имзоланаётган уч томонлама шартномаларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, битирувчиларни ишга жойлаштиришга оид ҳужжатлар тўплагини юритиш тартибига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида кайд этилди.

— Қизлар бандлигини таъминлаш масаласида вилоят ҳамда туманда, шунингдек, касб-хунар коллежларида ҳам алоҳида гуруҳлар ташкил этилган, — дейди **Навоий вилоят хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Лағофат Ҳайдарова**. — Буларнинг таркибига хотин-қизлар қўмиталари, «Нуроний» жамағатлари, «Камолот» ЕИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Марказий банк, Савдо-саноат палаталари вакиллари киритилган. Уларнинг асосий вазифаси битирувчи қизлар қанақа касб-

ни эгаллаётгани ва улар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш ҳисобланади. Семинар давомида молия муассасалари томонидан коллеж битирувчиларига яратилаётган имтиёзлар, айниқса, қизларни хунармандчилик, тикувчилик соҳаларига йўналтириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш тажрибаси бандлик масаласини ҳал этиш катта самара бераётгани таъкидланди.

— Навоий информатика ва электроника саноат касб-хунар коллежининг бу йилги 237 нафар битирувчиси қизлардир. Шулардан 27 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш, 28 таси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган, — дейди **коллеж директори Феруза Идиева**. — Қолган битирувчиларимиз билан тўлиқ уч томонлама шартнома имзоланган. Уларнинг аниқ иш ўринлари белгилаб қўйилган.

Тадбирда маҳалла, оила ва коллеж ўртасидаги мустақим ҳамкорлик масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



### ТУЗНИ КАМ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ



#### Фойдаси

Маълумки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида 2003 йилдан эътиборан тузни кам истеъмол қилиш, маҳсулотларда туз миқдорини камайтириш юзасидан бошланган кенг миқёсли тарғибот-ташвиқот ишлари ниҳоят ўз самарасини кўрсата бошлади.

Тадқиқотларда маълум бўлишича, 2003 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда дунёнинг кўпгина мамлакатларида туз истеъмоли кунига 15 фоизга, яъни 9,5 граммдан 8,1 граммга камайди ва бу ўз навбатида минглаб инсульт ва инфарктнинг олдини олди. Анкироғи, юрак-қон-томир касаллиқларидан нобуд бўлиш даражасини 40 фоизга камайтирди.

Британиялик профессор Грэм Макгрегорнинг айтишича, дейлатида «Daily Mail» газетаси ахборотида, одамларни овқатланиш бобида соғлом турмуш тарзига риоя этишга ишонтириш хасталиқларга қарши курашдан кўра фойдалидир.

Умуман тузсиз овқат истеъмол қилиш керак экан-да, деган фикрга бориш ноўрин. Негаки, организмда тузнинг етишмаслиги ҳам кўпгина салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, қон босимининг тушиши, ҳолсизлик, метаболизмнинг тормоқланиши, бош оғриғи, бош айланиши айнан туз истеъмоли камлигидандир.

Фақат меъёрни билиш лозим. Кунлик меъёр 5 граммгача. Аммо канадалик олимлар шуни исботлашдики, табиий меъёр кунига 0,5 граммдан ошмаслиги лозим. Уларнинг айтишича, Амазонка атрофидаги хиндулар неча асрларга, тузни жуда кам истеъмол қилади ва улар ҳануз қон босими ортиси билан боғлиқ хасталиқлардан умуман йироқда.

### Тарвуз экстракти



#### қон босимини туширади

Тарвуз экстракти ортинча вазнга эга одамлар учун қон босимини табиий туширувчи восита сифатида қадри бўлиб, уларда юрак хуружининг олдини олишга яхши имкон яратяди.

Экспертларнинг гапларига қараганда, дейлатида «The Daily Mail» нашри хабариде, юрак хуружлари асосан совуқ кунлар мавсумида кузатилади. Нега шундай? Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, совуқ кунларда организм совуққа бардош бериши учун юрак ва қон томилар катта куч билан ишлаб бошлайди. Бу эса қон босимини оширади.

Флорида университети профессори Артур Фигероанинг айтишича, тарвуз экстрактини истеъмол қилиш қон босими ортисининг олдини олади. Айнан бу тажриба қон босими юқори бўлган 13 нафар ортинча вазли одамда 12 hafta давомида синаб кўрилди.

Олимлар совуқни ҳис қилиш учун одамларни совуқ сувга қўлини тикиб туришни сўрадилар. Уларнинг ярмига ҳар кун тарвуз экстракти (4 грамм цитруллин ва 2 грамм аргинин) бердилар. Қолганга ҳеч нарса берилмади. 6 haftaдан кейин уларнинг ўрни алмаштирилди.

Натижа шу бўлдики, тарвуздан қилинган ичимлик ҳақиқатан ҳам юрак учун қўшимча юкламаларни бартараф қилар экан.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

### КОРХОНА ИШЧИЛАРИ — ЁШЛАР

Андижон шаҳридаги «Idas elektronika sistem» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида маҳсулот сифати, тури ҳамда иш унумдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда.



Унда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун CD/MP3 плеерлари (магнитофонлар), шунингдек, «Nexia» ва «Matiz» автомобилларига рақамли соатлар тайёрланади.

Бугунги кунда корхонада 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг деярли барчасини ёшлар ташкил этади.

— Андижон маиший хизмат касб-хунар коллежининг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўлимини тамомлаб, ушбу корхонага ишга жойлашдим, — дейди Фарходбек Араббоев. — Бундан жуда хурсандман. Чунки ушбу корхонада ўз мутахассислигим бўйича ишлаяпман. Ойлама фойдам тега-

моқда. — Ишлаб чиқаришни модернизациялаш масаласига алоҳида эътибор қаратаёپмиз, — дейди корхона бош директори Авазбек Юсупов. — Қўшимча равишда штамплаш цехини ишга туширдик. Натижада CD/MP3 плеерлари металл қисмларини ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Келгусида корхонада «Lasetti» автомобиллари учун сенсорли навигация тизими билан таъминланган янги CD/MP3 плеерлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу ўнлаб ёшлар бандлигини таъминлайди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**  
Суратда: сифат назоратчиси Шохруҳбек Хожикўлов. Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Капиталбанк» очик акциядорлик-тижорат банки бугунги кунда иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини кенгроқ қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг молиявий хизматларига бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Республикаимиз миқёсида банкнинг 13 филиали, 67 дан зиёд мини-банкни юртдошларимиз учун замонавий банк хизматлари кўрсатапти.

### Банк кредитлари эвазига

346 янги иш ўрни яратилди

Жорий йилнинг I чораги мобайнида банк томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 53,5 миллиард сўм банк кредитлари ажратилган. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 8,2 миллиард сўм, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларига 15,9 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 9,1 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик йўналишига эса 335,8 миллион сўм кредитлар берилган. Ажратилган кредитлар эвазига 346 янги иш ўрни яратилган.

Банкдан кредит олиб фаолият турларини кенгайтираётган, оиласи фаровонлигини таъминлаётган банк ми-

жозлари тобора кўпайиб бормоқда.

**Юсуф ШАМАНОВ, Сурхондарё вилоятидаги «Arbosbek-Asilbek» оилавий корхонаси раҳбари:**

— Оилавий корхонамизни 2011 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда яхна ичимликлар чакана савдоси билан шуғулланиш мақсадида ташкил этган эдик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш учун «Капиталбанк»нинг Сурхондарё вилоят Термиз филиалидан 150,0 миллион сўм кредит ол-

дик. Натижада, ўнга яқин янги иш ўрни яратдик.

**Мирсадор МИРСАЙДУЛЛАЕВ, Наманган вилояти, оилавий тадбиркор:**

— «Капиталбанк» ОАТБ Наманган филиалидан 95 миллион сўм кредит олдим. Бунинг эвазига юк ташувчи автотранспорт харид қилдим. Биргина ўтган йилнинг ўзида 56,4 миллион сўм даромад олдим.

**Низомиддин НУРМАМАТОВ, «Сардор Фарм Термиз» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Ёшлигимдан ўз бизнесим бўлишини орзу қилгандим. Ўтган йили Термиз тиббиёт касб-хунар коллежини тугатдим. Шундан сўнг «Сардор Фарм Термиз» хусусий корхонасини ташкил этдим. «Капиталбанк» ОАТБ Термиз филиалидан тиббий дори-дармон маҳсулотлари чакана савдосини йўлга қўйиш мақсадида 15,0 миллион сўм кредит олдим. Ушбу молиявий мадад ҳисобида ташкил этилган дорихонамизда икки нафар тенгдошим доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

### «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ



2014 йил 6-8 май кунлари «Ўзэкспомарказ» мажмуаси, 3-павильонида соат 9 дан 17:00 гача ўтказиладиган Тармоқ саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидаги холдинг компанияси стендида **ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

## Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги УЯ 64/7-ТХ муассасаси

2014 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚСбилан	
1.	УЯ 64/7-ТХ Каттакўрғон шаҳри 1-тартибот биносини капитал таъмирлаш.	318 873 307 сўм	382 647 968 сўм	5 ой

**Қурилиш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириллади. Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси ИИВ УЯ 64/7-ТХ муассасаси. **Манзили:** Каттакўрғон шаҳри, телефон: (8366) 455-22-18.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисидаги қарорига асосан пудратчи ташкилотларнинг танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қий-

матининг камида 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси,

ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга**

РЕКЛАМА УРНИДА



# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси

мамлакатимиз алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси ходимларини  
**7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ**

ҳамда халқимизни

**9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**  
муносабати билан табриклайди!

Мустақиллигимиз шарофати туфайли алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди. Интернет тизими, миллий мобил алоқа хизматининг жорий этилиши, республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли учун сифатли алоқа хизматининг йўлга қўйилиши ва қатор бунёдкорликлар она Ватанимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон қалбига юксак ғурур ва чексиз ифтихор бағишлаётгани билан янада қадрлидир.

**ТИЛАГИМИЗ — ЮРТИМИЗ ОСМОНИ  
ҲАМИША МУСАФФО БЎЛСИН!**



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ



ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАБ  
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ЯНГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР  
АМАЛГА КИРИТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

### «ҚАДРИЯТ»

- ❖ сақлаш муддати — 2 ой;
- ❖ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ❖ ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра аванс тариқасида ёки омонат муддати тугаганидан кейин тўланади;
- ❖ омонат 60 ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахсларга очилади;
- ❖ маблағларни қабул қилиш муддати — 2014 йил 1 июлгача.

### «ЖАСОРАТ»

- ❖ сақлаш муддати — 4 ой;
- ❖ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ❖ ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан кейин сўмдаги пластик карточкага ўтказилади;
- ❖ маблағларни қабул қилиш муддати — 2014 йил 1 июлгача.

**Жамғармалари бошқарилишини бизга  
ишониб топширганлар фаровонлиги  
учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

Кўшимча маълумотларни 234-14-14,  
235-42-83 телефонлари орқали ёки банкнинг  
исталган бўлими филиалидан олиш мумкин.

[www.nbu.com](http://www.nbu.com)

Хизматлар лицензияланган.



## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»



акциядорлик компанияси тизимидаги

**Тошкент филиали жамоаси**

она диёримиз алоқа,  
ахборотлаштириш ва телекоммуникация  
соҳаси ходимларини **Алоқачилар байрами**  
ҳамда халқимизни  
**9 май — Хотира ва Қадрлаш куну**  
билан қутлайди!



Ўз меҳнати билан  
мамлакатимиз равнақига  
ҳисса қўшаётган Сиз  
азизларга бахт-саодат,  
тинчлик ва хотиржамлик  
мангу ҳамроҳ бўлсин.

**Ўзаро меҳр-оқибат, яратувчанлик  
шижоати ҳеч биримизни асло тарк этмасин!**



MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va  
shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560  
18743  
nuxxada  
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 22.10  
Topshirilgan vaqti — 02.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bobur ELMURODOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5